УДК 94 (575.1) /1941-1945

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ИЛК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Р.Н. Абдурасулов

Мақолада Иккинчи жаҳон урушининг илк йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг умумий аҳволи Фарғона водийси вилоятлари мисолида тадқиқ этилган. Қишлоқ хўжалигининг фронт эҳтиёжларига мослаштирилиши, республикада янги экин майдонларининг кенгайтирилиши ҳамда пахта майдонларининг қисқартирилиши ҳисобига ғалла, сабзавот, полиз экинларининг кўпайтирилишига доир аниқ маълумотлар берилган. Қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати, мудофаа фондига қўшган ҳиссасига доир аниқ мисоллар келтирилган.

Калит сўзлар: *Иккинчи жаҳон уруши, қишлоқ хўжалиги, Фарғона водийси, колхоз, совхоз, пахтачилик, ғалла, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, давлат режаси, мудофаа фонди.*

В статье рассматривается общее состояние сельского хозяйства Узбекистана в первые годы Второй мировой войны на примере областей Ферганской долины. Приведены конкретные сведения по приспособлению сельского хозяйства к нуждам фронта, расширения новых пахотных земель в республике и увеличения посевов зерновых, овощных и бахчевых культур за счет сокращения хлопковых полей. Также приведены конкретные примеры само-отверженного труда сельских трудящихся и их вклада в фонд обороны.

Ключевые слова: *Вторая мировая война, сельское хозяйство, Ферганская долина, колхоз, совхоз, хлопководство, зерновая культура, хлопководство, животноводство, овощеводство, государственный план, фонд обороны.*

Фашистлар Германиясининг совет давлатига бостириб кириши ва бошланиб кетган уруш мамлакат қишлоқ хўжалиги олдига ҳам қатор мураккаб вазифаларни кўндаланг қилди. Қишлоқ хўжалиги саноатни хом ашё, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдан ташқари, фронтни ҳам тўла таъминлаши лозим эди. Уруш арафасида 1940 йилда совет мамлакатининг жами аҳолиси 194,1 миллион киши бўлиб, уларнинг 131,0 миллиони ёки 67,5% и қишлоқ аҳолиси эди. Қишлоқ хўжалиги тузилмасида социалистик сектор устувор бўлиб, мамлакатда 236,9 минг колхоз ва 4,2 минг совхоз мавжуд бўлиб, колхозларда 18,7 миллион хўжалик уюшган эди [1. Б. 373]. Мамлакат иқтисодиёти аграр секторининг самарадорлиги жуда паст эди. Колхоз иқтисодиёти инқироз ҳолатида бўлиб, 1940–1941 йилларда шаҳарлардаги озиқ-овқат танқислиги, қишлоқ жойлардаги очлик бунинг яққол далили эди. Буларнинг барчаси XX асрнинг 30-йилларида Сталин бошчилигидаги раҳбарият томонидан амалга оширилган аграр сиёсат натижаси эди [2. Б. 74]. Бошланган уруш деҳқончиликка янада оғир зарба берди, немис-фашистлар агрессияси СССРнинг аграр салоҳиятини ўта заифлаштириб қўйди. Совет давлати ҳудудлари маълум бир қисмининг фашистлар томонидан босиб олиниши мавжуд вазиятни янада мураккаблаштирди. Чунки 1941 йилда фашистлар томонидан босиб олинган ҳудудларда мамлакатнинг қарийб 40% аҳолиси истиқомат қиларди. Бу ҳудудларда жами ғалланинг 38% и, қанд лавлагининг 84% и етиштирилар, йирик шохли қорамолларнинг 38% и жамланган эди [3. Б. 42].

Ўзбекистон ССРда қишлоқ хўжалигида банд бўлган кишиларнинг аксарият қисми урушга сафарбар этилиши натижасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муайян қийинчиликлар юзага келди.

1941 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон саноат корхоналарига 500 минг нафар колхозчилар сафарбар этилди, бу ҳам қишлоқ хўжалик соҳасида меҳнат қилаётган кишилар сонининг кескин қисқаришига ва қишлоқ хўжалигида қўшимча қийинчиликлар ва машаққатлар юзага келишига сабаб бўлди. Айни пайтда кўпгина қишлоқ хўжалик машиналари – автомобиллар, тракторлар, прицеплар ва бошқа асбоб-ускуналар, ишчи отлар ҳам фронт эҳтиёжлари учун олинди. Қишлоқ хўжалиги учун янги техника воситалари келтирилиши ҳам тўхтаб қолди. Агар 1941 йил бошларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида 23 минг трактор ва 7,3 минг автомобиллар бўлган бўлса, 1945 йил охирида уларнинг сони тегишлича 19 мингтага ва 1,6 мингтага тушиб қолди [4. Б. 36]. Бунинг устига деҳқонларни қишлоқ хўжалик машиналари билан таъминлаш тўхталиши билан бир пайтда механизаторларнинг сони ҳам қисқарди, яъни уруш арафасида Ўзбекистонда 27 888 механизатор бўлган бўлса, 1942 йилда уларнинг сони 2775 кишига тушиб қолди, кейинчалик янада камайди. Улар ўрнида аёллар, болалар, кексалар меҳнат қила бошладилар. Кетмон ва омочлар асосий иш қуролига айланиб қолди. Ана шундай оғир ва мураккаб шароитда мамлакат раҳбарияти уруш ҳаракатлари кетмаётган миллий республикалар, жумладан, Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари зиммасига бир қатор оғир мажбуриятларни юклади.

Уруш Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги таркибий тузилмасидаги ўзгаришларга сабаб бўлди, хусусан, экин майдонлари хусусиятига жиддий таъсир кўрсатди. Урушдан аввалги йилларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида пахтачилик бошқа экинларга қараганда анча кенг ривожланган бўлиб, республика бутун иттифоқнинг пахтага бўлган эҳтиёжини тўла қондирар эди. Урушгача бўлган даврда Ўзбекистонда янги ўзлаштирилган ерлар, янги қурилган каналлар ва сув омборлари, амалга оширилган мелиорация ишлари фақат пахтачиликни ривожлантириш вазифаларига бўйсундирилган эди. Ғалла экинлари ва сабзавот экинлари етиштириш иккинчи даражали ҳисобланиб, ғалла экинлари пахта етиштириш мумкин бўлмаган лалмикор ерлардагина экилар эди.

1941–1942 йилларда фронт эҳтиёжлари учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат учун хом ашё етказиб бериш иттифоқнинг Шарқий ва Жануби-Шарқий районларидаги колхоз ва совхозлар зиммасига тушди. Айниқса, Сибирь, Қозоғистон, Урал ва Ўрта Осиё республикалари қишлоқ хўжалигига қатор мажбуриятлар юклатилди. Иттифоқнинг асосий ғаллакор минтақалари фашистлар томонидан босиб олиниши боис, ўзбек қишлоқ меҳнаткашлари зиммасига энди ғалла, қанд лавлаги, каноп етиштириш мажбурияти ҳам юкланди. Айни пайтда республика қишлоқ хўжалиги фронт эҳтиёжлари учун сабзавот ва полиз маҳсулотлари ҳам етказиб бериши зарур эди. Ўзбекистонда мазкур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилиши баробарида пахтачилик соҳаси ҳам ўз устувор аҳамиятини йўқотмаслиги лозим эди. Республика чорвадорлари зиммасига армия эҳтиёжлари учун ҳам гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштириш вазифаси қўйилди.

Уруш йилларида совет бошқарувидаги маъмурий-буйруқбозлик тизими янада кучайтирилди. Давлатдаги бутун ҳокимият Сталин раҳбарлигидаги Давлат Мудофаа Комитети қўлида жамланди. ВКП(б) Марказий Комитети амалда Давлат Мудофаа Комитетининг сиёсий филиалига айлантирилди, Сиёсий бюронинг аппарати совет ҳукумати фаолиятини тўла ўз назорати остига олди. Бошқарув ва ижродаги қаттиқ назорат миллий республикаларда, жумладан, Ўзбекистон ССРда ҳам қарор топтирилди.

Қишлоқ хўжалигига, колхоз ва колхозчиларга нисбатан маъмурий-буйруқбозлик ёндашувининг кучайиши МТСларда ва совхозлар-

да коммунистик партиянинг қишлоқлардаги фавқулодда органи бўлган сиёсий бўлимларининг ташкил этилишида яққол намоён бўлди. Сиёсий бўлимларни тузиш тўғрисидаги қарор 1941 йил 17 ноябрда Сталин имзоси билан қабул қилинган эди. Қарорда: “МТС ва совхозлар сиёсий бўлимларининг асосий вазифаси сифатида – МТС ва совхоз ходимлари, хизматчилари орасида, колхоз аъзолари ўртасида сиёсий ишларни ошириш, МТС, колхоз ва совхозларнинг белгиланган режа ва мажбуриятларини ўз вақтида бажарилиши билан боғлиқ барча ишларида қатъий тартиб ва интизом ўрнатиш” қайд этилган эди [5. Б. 75]. Сиёсий бўлимлар олдига қўйилган яна бир вазифа – “инқилобий ҳушёрликни ошириш”, “собиқ қулоқлар, репрессия қилинганлар ва бошқа саботажчиларнинг душманлик ҳаракатларини фош этиш” эди [6. Б. 202].

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ Ўзбекистон ҳукумати ва барча маҳаллий партия ва совет ташкилотлари республика иқтисодиётини, шу жумладан, қишлоқ хўжалигини ҳарбий изга солиш ва қайта қуришга киришди. Ўзбекистон компартияси МКнинг 1941 йил декабрида бўлган V Пленуми уруш даври шароитларидан келиб чиқиб, республикада экин экиладиган майдонларни 521 800 гектарга кўпайтириш (шундан 347 200 гектари суғориладиган ерлар) тўғрисида қарор қабул қилади. Янги ерлар ҳисобига республикада пахта хом ашёси етиштиришни кўпайтириш, ғалла экинлари ҳосилини 15 миллион центнерга етказиш (1941 йилда республикада ялпи ғалла ҳосили 5,5 миллион центнер бўлган), 70 минг гектар ерда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун янги экин тури бўлган қанд лавлаги етиштиришни йўлга қўйиш ва ҳар гектар ердан энг ками 250 центнердан ҳосил олишни таъминлаш, чорвачилик, ипакчилик ва бошқа қишлоқ хўжалик тармоқлари самарадорлигини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди [7. Б. 78].

Иттифоқ ва республика раҳбарияти томонидан берилган қатъий кўрсатмалар ва вазифалар ижроси юзасидан областларда ҳам зарур чоралар белгиланган. Жумладан, Наманган вилоят партия фаолларининг 1941 йил 20 октябрда бўлиб ўтган йиғилишида вилоятда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилди, бунга кўра вилоятдаги экин майдонларини қўшимча 7800 гектарга кўпайтириш, пахта тайёрлаш режасини 20 ноябргача бажариш вазифаси қўйилди [8. Б. 39].

Тошкент вилояти бўйича 1941 йил ҳосилидан давлатга 173 минг 423 центнер ғалла топшириш, бундан ташқари 1940 йили ундирилмаган қарз ҳисобига 1092 центнер, 1941 йил натура тўлаш ҳисобидан 69808 центнер ва бошқа ҳар хил мажбуриятларни тўлаш, жами бўлиб 255003 центнер ғалла топшириш вазифаси белгиланди [9. Б. 80].

Ўзбекистон компартиясининг 1941 йил декабрь Пленуми 1942 йил учун колхоз ва совхозлар бўйича турли экин майдонлари миқдори, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариши режаларини ҳам тасдиқлади. Режада ҳар бир экин турлари бўйича ҳосилдорлик, ирригация-мелиорация ишлари, экин ерларига солинадиган маҳаллий ўғит миқдори, қишлоқ хўжалиги учун мутахассис кадрлар тайёрлаш, чорвачиликни ривожлантириш каби масалаларга алоҳида тўхтаб ўтилган эди. 1941 йил декабрь Пленуми қарори билан Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети зиммасига Қўқон ва Когон шаҳарларида йиллик ишлаб чиқариш қуввати 200 минг тонна бўлган суперфосфат заводларини қуриш вазифаси юклатилган. Ушбу заводлар 1942 йилнинг 1 августида қуриб битказилиши ва маҳсулот ишлаб чиқара бошлаши кўзда тутилган [10. Б. 12].

Урушнинг биринчи йили Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш бўйича давлат режаси асосан бажарилди. Республика бўйича 1941 йилнинг июль ойи охирларида давлатга 1940 йилнинг шу давридагига нисбатан уч баробар кўп ғалла етказиб берилди. Ғалла топшириш бўйича давлат режасини бажаришда кўпгина колхоз ва совхозлар зўр уюшқоқлик намунасини кўрсатдилар. Андижон вилоятининг колхозчилари қисқа муддат ичида 9855,7 тонна ғалла топширдилар [11. Б. 76].

Андижон вилоят партия комитети ва вилоят ижроия комитети вилоят қишлоқ меҳнаткашлари зиммасига СССР Давлат Мудофаа комитетининг кўрсатмаси бўйича 1941 йили давлатга 55 923 центнер ғалла топшириш, шундан колхозлар бўйича 37 464 центнер, колхозчилар бўйича 10 000 центнер, унмай қолган қарзлар ҳисобидан колхозлар бўйича 538 ва колхозчилар бўйича 3099 центнер ғалла топшириш вазифасини юклади. Шунингдек, вилоят бўйича 29855 центнер шоли топшириш, шу жумладан, колхозлар бўйича 22 312 центнер, колхозчилар ҳисобидан 1000 центнер тайёрланиши белгиланди [12. Б. 167].

Андижон вилоятида 1941 йилда қишлоқ хўжалигининг муҳим соҳаларидан бири бўлган сабзавотчиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, жорий йилда 1200 тонна карам, 1390 тонна помидор, 175 тонна бодринг ва 4051 тонна қовун-тарвуз етиштириш бўйича зарур тадбирлар белгилади [13. Б. 45].

Фарғона вилояти бўйича 1941 йилда қишлоқ хўжалигидаги отлар сонини 29188 бошга, 1942 йилда эса 31295 бошга, туялар сонини эса 390 бошга етказиш, йирик шохли қорамолларни 1941 йилда 2795 бошга кўпайтириш бўйича вазифа қўйилди [14. Б. 14].

Фарғона вилояти меҳнаткашлари 1941 йили мамлакатга 219104 тонна пахта, 18746 бош йирик шохли қорамоллар, шу жумладан, колхозлар бўйича 4138 бош мол етказиб бериб, давлат режасини 133,9 фоизга бажарди. Қўйлар эса 181609 бошга етказилиб, бу бўйича режа 117,6 фоиз, эчкилар сони 44508 бошга етказилиб, режа 170,4 фоизга бажарилди [14. Б. 37].

Фарғона вилояти 1942 йили ҳам чорвачилик соҳасида катта ютуқларга эришиб, йирик шохли қорамоллар сонини режадаги 55000 бошга етказиш ўрнига 56048 бошга етказди ва режани 101,2 фоизга етказди, қўй ва эчкилар 31000 бош ўрнига 37200 бошга етказилиб, режа 117 фоиз қилиб бажарилди [15. Б. 112].

1941 йили Фарғона вилоятида экин майдонлари ҳам анча кенгайтирилиб, жами 62 007 гектар ерга ғалла экилди. Экилган ғалланинг 13200 гектарини колхозчиларнинг томорқалари ташкил этарди. Шунингдек, вилоят бўйича бундан ташқари, 3000 гектар ерга қўшимча равишда сабзавот экинлари экилди [15. Б. 163].

Уруш йилларининг оғир қийинчиликларига қарамай, Андижон области меҳнаткашлари 1941 йилда давлатга 297 минг тонна пахта топширдилар, бу республика областлари ичида энг юқори кўрсаткич эди. 1941 йилда пахта ҳосилдорлиги республика бўйича гектаридан ўртача 17,4 центнерни ташкил этгани ҳолда Андижон областида ҳосилдорлик жуда юқори бўлиб, гектаридан ўртача 23 центнерни ташкил қилди. Областнинг 629 та колхозидан 147 таси пахта топшириш давлат режасини 100–110%, 118 таси 110–120%, 222 таси 120–150%, 28 таси эса 150% дан орттириб бажарди [10. Б. 12].

1942 йил бошларида Тошкент вилоятидаги Оққовоқ марказий агротехник станциясида ва Андижон вилоятининг бир қатор илғор колхозларида ғўзани суғоришнинг янгича усули – чуқур олинган жўякларга ингичка оқим билан сув беришни синовдан ўтказдилар. Янгича усулда ғўза суғориб бўлинганидан кейиноқ жўяклар культивация қилиниб, бегона ўтлардан тозаланган. Мазкур агротехник тадбир орқали ғўзани ортиқча чопиқ қилмасдан пахта ҳосилдорлигини оширишга эришилган. Ўзбекистон компартияси Марказий Комитети бюросининг 1942 йил 9 мартдаги йиғилишида пахта ҳосилдорлигини оширишга қаратилган ушбу агромелиоратив усул маъқулланиб, бу янги усулни бутун республика бўйлаб оммалаштиришга тавсия этилган. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети 1942 йилда республика вилоятларида 20 минг гектар майдондаги пахтани янгича усулда етиштириш бўйича топшириқ режасини ишлаб чиққан. Бу режага кўра Андижон вилоятида 7 минг гектар, Тошкент ва Наманган вилоятларида 4 минг гектардан, Самарқанд вилоятида 2 минг гектар, Фарғона, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида 1 минг гектар ердаги пахта экинини янги усулда парваришлаш кўзда тутилган [16. Б. 57].

Уруш йилларида қишлоқ хўжалигининг пахтачиликдан бошқа тармоқларида ҳам

ҳосилдорликни оширишга катта эътибор берилди. Колхоз ва совхозларда сабзавотчилик, боғдорчилик, полизчилик ишларига озиқ-овқат тайёрлашнинг муҳим соҳаси сифатида қаралди. Айниқса, чорвачилик алоҳида аҳамиятдаги соҳа эди. Уруш йилларида республиканинг барча колхоз ва совхозлари чорва хўжалигига эга бўлиб, улар фронт ва фронт ортини чорва маҳсулотлари билан таъминлаш билан бир қаторда армияга яхши отлар, саноатга эса тери, жун каби хом ашё етказиб бериши керак эди.

Урушнинг биринчи йилиданоқ қишлоқ меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигининг эътиборли тармоқларидан бири бўлган пиллачилик соҳасида ҳам салмоқли ишларни амалга оширдилар. Уруш йилларида ипак толасига мудофаа саноатининг қимматли хом ашёси сифатида эҳтиёж жуда ошган эди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда пахта экиш даври энг қизғин паллага кирган пайтда ҳам пиллачиликка бўлган эътибор сусайтирилмади. Ҳатто 1942 йилдан бошлаб республикада ипак қуртини икки мартадан боқиш ва пилла олиш йўлга қўйилди. 1941 йилда Ўзбекистонда пилла тайёрлаш режаси 101,3 фоиз қилиб бажарилди, давлатга 12051 тонна пилла етказиб берилди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 22,5 фоизга кўпроқ эди [9. Б. 88].

Муҳим иқтисодий аҳамиятга эга бўлган қишлоқ хўжалиги тармоқларидан бири чорвачилик эди. Лекин бу тармоқ коллективлаштириш ва қулоқ қилиш йилларида йўл қўйилган жиддий хатолар туфайли ҳали ўзини ўнглаб олишга улгурмаган эди. Уруш бошланиши туфайли аҳвол янада қийинлашди. Юзага келган мураккаб шароитларга қарамасдан, 1941 йилда Ўзбекистонда давлатга гўшт топшириш режаси 108,3 фоизга бажарилди [17. Б. 36]. Андижон вилояти партия комитети 1941 йил 16 июлда вилоятдаги чорвачилик масаласини махсус муҳокама қилиб, йил охиригача йирик шохли ҳайвонлар сонини 97476 бошга етказиш ҳақида қарор қабул қилган эди. Бу қарор 1942 йил бошида ошириб бажарилди. 1941 йилнинг охирги чорагида вилоят бўйича давлатга 11507 центнер гўшт топширилиб, бу бўйича давлат режаси тўла бажарилди [9. Б. 83].

Уруш йилларида Ўзбекистонда гўшт етиштиришнинг ўсиши чорва ҳайвонларининг ёппасига сўйиб юборилиши билан боғлиқ эди. Бунинг оқибатида уруш йилларида республикада чорва ҳайвонлари сони кескин қисқариб кетди. Масалан, 1941–1943 йилларда Фарғона областида қўй ва эчкилар 18,5 фоизга, йирик қорамоллар сони эса 10,8 фоизга қисқарган [18. Б. 33].

1942 йилдан республикада қишлоқ хўжалик экинларининг нисбати сезиларди равишда ўзгарди. Агар урушдан олдин ҳар бир районда экин экиладиган майдонларнинг 90 фоизи пахта ҳисобига тўғри келса, уруш йилларида бу майдонлар бирмунча камайди. Масалан, Фарғона вилоятида пахта экиладиган майдонлар 51 фоизга қисқариб кетди, қолган суғориладиган ерларга бошқа қишлоқ хўжалик экинлари, шу жумладан, 25 фоиз ерга ғалла, 4 фоиз ерга сабзавот ва полиз экинлари, 16 фоиз майдонга беда экилди [7. Б. 79].

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари уруш даврининг энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлган кунгабоқар етиштиришни ҳам қисқа муддатларда ўрганишга ва ўзлаштиришга муваффақ бўлдилар. Кунгабоқар билан бир вақтда республика қишлоқ хўжалигида каноп ва зиғир сингари техника экинлари ҳам кўп миқдорда етиштирилиши йўлга қўйилди. Уруш йилларида Ўзбекистонда маккажўхори ва кунжут етиштириш ҳам сезиларли даражада ривожланди, жумладан, 1942 йилда республикадаги кунжут экилган майдонлар бутун мамлакатдаги кунжут экиладиган майдонларнинг 50 фоизини ташкил қилган эди.

Пахта экин майдонларининг қисқариши ва чорва учун ем-хашак экинлари майдонининг кенгайтирилиши чорвачиликнинг ривожланиши ва чорва ҳайвонлари сонининг кўпайиб боришига таъсир кўрсатди. 1944 йилда республикадаги мавжуд 7454 та колхоздан 2400 тасида 3 тадан, 4800 тасида эса 2 тадан чо-

рвачилик фермалари бор эди. Бу пайтда фақат 49 та колхозда чорвачилик фермалари бўлмаган, холос [19. Б. 122-123].

Уруш даврида Ўзбекистоннинг мамлакатдаги йирик мева, сабзавот ва полиз экинлари етиштирувчи сифатидаги роли яна ҳам ошди. Чунончи, 1942 йилда сабзавотлар экиладиган майдонлар 1939 йилдаги 16 минг 517 гектардан 29 минг гектарга етди. Картошка экиладиган майдон урушдан олдинги даврга нисбатан 15 минг гектар кўп бўлди. Узумзорлар майдони йилдан-йилга кўпайиб борди, бу майдонлар 1940 йилдаги 26 минг 661 гектар ўрнига 1943 йилда 31 минг 723 гектарни ташкил қилди [20. Б. 448].

Урушнинг дастлабки йиллариданоқ ўзбек деҳқонлари қанд лавлаги етиштиришни жадал йўлга қўйиш ва ўзлаштиришга алоҳида эътибор бердилар. Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашларининг машаққатли меҳнати эвазига 1942 йилда катта майдонларга қанд лавлаги экилди. Айтиб ўтиш лозимки, ўзбек деҳқонлари учун янги экин тури бўлган қанд лавлагини етиштиришда Ўзбекистонга эвакуация қилиб келтирилган Харков қишлоқ хўжалик институтининг илмий ходимлари қанд лавлаги экилган турли колхозларда бўлишиб, янги экин турининг маҳаллий деҳқонлар томонидан ўзлаштирилишида катта ёрдам кўрсатдилар [21. Б. 48]. Қанд лавлагини етиштириш, асосан, Ўзбекистоннинг Самарқанд, Фарғона, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида йўлга қўйилди. 1943 йилда қишлоқ меҳнаткашлари давлатга 1565 минг центнер қанд лавлаги топширдилар. Республика бутун мамлакатда етиштириладиган қанд лавлагининг чорак қисмини ишлаб чиқара бошлади. Бу эса фақат республикадаги қанд ишлаб чиқариш заводларинигина эмас, балки бошқа республикаларни ҳам қанд лавлагиси билан таъминлаш имконини берди [20. Б. 447].

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларининг машаққатли ва матонатли меҳнати эвазига 1942 йилда колхозларнинг жами экин майдонлари (такрорий экинлар билан бирга) 346,6 минг гектарга етди, бу 1941 йилдаги экин майдонларига нисбатан 12,2 фоизга кўп эди. Суғориладиган жойлардаги экин майдонлари 163,7 минг гектарга, шартли-суғорма жойлардаги экин майдонлари 45,1 минг гектарга, лалмикор экин майдонлари эса 95,7 минг гектарга кўпайди [22. Б. 2]. Янги ерларнинг ўзлаштирилиши 1942 йилда мавжуд пахта экиладиган майдонларни сақлаб қолган ҳолда бошқа экин турларини, биринчи навбатда, ғалла ва сабзавот экинлари етиштиришни кўпайтириш имконини берди. Техника экинлари (пахта, лавлаги, каноп ва бошқа) экилган майдонлар 1942 йилда 1941 йилдаги 986,2 минг гектардан 1019 минг гектарга етказилди [22. Б. 2].

Қишлоқ меҳнаткашлари уруш эҳтиёжлари учун турли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш билан бир пайтда шахсий жамғармалари ҳисобидан мудофаа фонди учун ҳам катта маблағлар ўтказа бошладилар. Урушнинг биринчи йилидаёқ Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашлари мудофаа фондига 300 тонна ғалла, 219 тонна гўшт, 2 тонна жун, 18 минг 500 дона қўй териси ва 60 миллион сўм пул ўтказган эдилар [23. Б. 28]. Бу ташаббус урушнинг иккинчи йилида ҳам давом этиб, республика бўйлаб кенг оммалашди. Масалан, биргина Андижон вилояти Пахтаобод районидаги Маркс номли колхоз аъзолари 1942 йилда 7300 сўм пул ва 870 кг гуручни мудофаа фондига ўтказдилар [24. Б. 45]. Ўзбекистон колхозлари ва колхозчилари танк колоннаси ҳамда ҳарбий самолётлар эскадрильяси қурилиши учун хайрия маблағ йиғиш ишларида ҳам фаол иштирок этдилар. Мазкур маблағни йиғиш учун колхозчилар шахсий жамғармаларини ихтиёрий равишда тақдим этдилар, режадан ташқари меҳнат мажбуриятларини бажардилар. Шуниси аҳамиятлики, ўзбек колхозчилари 6 кун ичида хайрия фондига 260 миллион сўм маблағ топширдилар. Ушбу маблағларга “Совет Ўзбекистони” номли танк колоннаси ва “Ўзбекистон колхозчиси” номли қирувчи самолётлар эскадрильяси қурилиб, фронтга юборилди [7. Б. 89].

1943 йилнинг иккинчи чорагида республиканинг ўнлаб илғор колхозлари, қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган минглаб стахановчи-

меҳнаткашлари август ойи учун белгиланган ишлаб чиқариш режаларини муддатидан олдин бажардилар. Яъни, давлатга режадан ошириб ғалла етказиб берилди, ғўзага ишлов бериш ишлари ўз вақтида уддаланди. Андижон вилоятининг колхоз ва совхозлари ўтган йилдагига нисбатан икки ярим баробар кўпроқ майдонда ғалла етиштиришга муваффақ бўлдилар. Ворошилов райони давлатга ғалла етказиб бериш режасини вилоятда биринчи бўлиб бажарган ва кузги экинлар учун шудгорлаш ишларини ҳам сифатли бошлаб юборган. Чинобод ва Избоскан районлари пиллакашлари давлатга пилла топшириш режасини ортиғи билан бажариб, август ойида такрорий қурт боқиш ишларини йўлга қўйганлар. Айни пайтда вилоятнинг кўпгина колхозлари шолини ўриб олиш ва фронт эҳтиёжлари учун муддатидан олдин гуруч топширишни бошлаганлар. “Андижон”, “Полвонтош” нефть кони жамоаси ҳам нефть қазиб олиш бўйича август ойига белгиланган режани муддатидан олдин бажарганлар [25].

Уруш Ўзбекистон ҳудудларида юз бермаган бўлса-да, унинг оғир қийинчиликлари ва машаққатлари бутун Ўзбекистон халқига катта зиён-заҳмат етказди. Айниқса, республика қишлоқ хўжалиги уруш йилларида оғир синовларни бошдан ўтказди. Қишлоқ меҳнаткашлари зиммасига уруш эҳтиёжлари ва мамлакатнинг ғарбий минтақалари аҳолиси учун озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий ресурслар етказиб бериш бўйича оғир мажбуриятлар юкланди. Қишлоқ меҳнаткашлари бу мажбуриятларни бажариш учун кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилдилар. Уруш йилларида колхозлар ва машина-трактор станцияларининг моддий-техник имкониятлари анча заифлашди, бунинг оқибатида қишлоқ хўжалигида жисмоний меҳнат ҳукмрон бўлиб қолди.

Умуман, урушнинг дастлабки йилларида қишлоқ хўжалигини ҳарбий изга солиш, фронт эҳтиёжлари учун янги экин турлари экишни йўлга қўйиш ҳамда армияни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ишлари жуда оғир ва мураккаб шароитлар остида кечди. Бу оғир вазифани ҳал этишда ўзбек қишлоқ меҳнаткашлари, асосан, қариялар, аёллар ва болаларнинг матонати муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Адабиётлар:

1. Народное хозяйство СССР за 70 лет. Юбилейный статистический ежегодник. – Москва: Финансы и статистика, 1987. – 765 с.
2. Великая Отечественная война. 1941–1945. Военно-исторические очерки. Книга первая. Суровые испытания. – Москва: Наука, 1998. – 541 с.
3. *Вознесенский Н.А.* Военная экономика СССР в период Отечественной войны. – Москва: Госполитиздат, 1948. – 192 с.
4. Ўзбекистон Миллий архиви (ЎзМА), Р-1916-фонд, 1-рўйхат, 662-иш.
5. *Арутюнян Ю.В.* Советское крестьянство в годы Великой Отечественной войны. – Москва: 1963. – 459 с.
6. *Анисков В.Т*. Жертвенный подвиг деревни. – Новосибирск: Новосибирское книжное издательство, 1993. – 245 с.
7. Узбекистан в годы Великой Отечественной войны (1941-1945). / Отв. ред. Р.Х. Аминова и Т.Д. Джураев. – Ташкент: Фан, 1966. – 208 с.
8. Наманган вилоят давлат архиви, 215-фонд, 1-рўйхат, 25-иш.
9. *Пўлатов И*. Буюк ғалабада Ўзбекистон ҳиссаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1974. – 146 б.
10. ЎзМА, Р.1619-фонд, 10-рўйхат, 592-иш.
11. Андижон давлат архивида (АВДА), 608-фонд, 1-рўйхат, 164-иш.
12. АВДА, 608-фонд, 1-рўйхат, 167-иш.
13. АВДА, 127-фонд, 1-рўйхат, 100-иш.
14. Фарғона вилоят давлат архиви, 8-фонд, 1-рўйхат, 245-иш.
15. Фарғона вилоят давлат архиви, 8-фонд, 1-рўйхат, 251-иш.
16. *Аминова Р.Х*. Колхозное крестьянство Узбекистана в годы Великой Отечественной войны. –

Ташкент: Узбекистан, 1979. – 392 с.

17. Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). Иккинчи китоб. Ўзбекистон 1939-1991 йилларда. / Масъул муҳаррирлар: Р.Абдуллаев, М.Раҳимов, Қ.Ражабов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 576 б.

18. *Голованов А.А., Саидов И.М.* Вклад Узбекистана в победу над фашизмом. – Самарканд: Изд-во. СамГУ, 2006. Часть II. – 246 с.

19. История народного хозяйства Узбекистана. Том 2. – Ташкент: Изд. АН УзССР, 1963. – 522 с.

20. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. / Тузувчилар: М.Жўраев, Р. Нуруллин, С. Камолов ва бошқ. – Тошкент: Шарқ, 2000. – 688 б.

21. Из истории дружбы украинского и узбекского народов. 1941-1945. Сборник документов и материалов. / Под ред. Р.Х.Алимов., Б.З. Куэьменко – Киев: Наукова думка, 1968. – 148 с.

22. ЎзМА, Р.90-фонд, 8-рўйхат, 5937-иш.

23. *Ахунбабаев Ю.* Трудящиеся Узбекистана – фронту. – Москва: Профиздат, 1942. – 86 с.

24. АВДА, 608-фонд, 1-рўйхат, 278-иш.

25.“Правда Востока”, 31 августа 1943 года.

AGRICULTURE OF UZBEKISTAN IN THE FIRST YEARS OF THE SECOND WORLD WAR

R.N. Abdurasulov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 1 (61). 65-74.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: World War II, agriculture, Ferghana Valley, collective farm, state farm, cotton growing, grain crops, cotton growing, animal husbandry, vegetable growing, state plan, defence fund.

As a result of the mobilization of some people engaged in agriculture in the Uzbek SSR to the war, certain difficulties arose in agricultural production. In the second half of 1941, 500,000 collective farmers were sent to Uzbekistan's industrial enterprises, which led to a sharp decline in the number of people working in agriculture and additional difficulties in agriculture.

During the war years, the Soviet command-and-control system was further strengthened. All power in the state was concentrated in the hands of the Stalin-led State Defence Committee. The Central Committee of the CPSU (b) was effectively transformed into a political branch of the State Defence Committee, and the apparatus of the Politburo took full control of the activities of the Soviet government. Strict management and executive control have been established in the national republics, including the Uzbek SSR.

From the first days of the war, the Uzbek government and all local party and Soviet organizations began military reorganization and reconstruction of the republic's economy, including agriculture. In December 1941, the Communist Party of Uzbekistan, based on the conditions of the war, decided to increase the area under crops in the country to 521,800 hectares. Necessary measures have been taken in the oblasts to implement the strict instructions and tasks given by the leadership of the USSR and the Uzbek SSR.

In the first year of the war, the state plan for food production in Uzbekistan was largely fulfilled. At the end of July 1941, the republic received three times more grain than in the same period in 1940. Many kolkhozes and sovkhozes have set an example of progress in implementing the state plan for the delivery of grain. Rural workers of Andijan region delivered 9855.7 tons of grain to the state in a short period of time.

Despite the hardships of the war years, the workers of Andijan region in 1941 delivered to the state 297 thousand tons of cotton, which was the highest figure among the regions of the republic. In 1941, the average yield of cotton in the country was 17.4 quintals per hectare, while in Andijan region the yield was very high, averaging 23 quintals per hectare.

One of the sectors of agriculture of significant economic importance was animal husbandry. But the network had not yet recovered due to serious mistakes made during the years of collectivization. The situation became more difficult due to the start of the war. Despite the difficult conditions, in 1941 the plan to supply meat to the state in Uzbekistan was fulfilled by 108.3%.

Rural workers, in addition to cultivating various agricultural products for the needs of the war, also made large sums of money for the defence fund at the expense of their own funds. In the first year of the war, Uzbek rural workers transferred 300 tons of grain, 219 tons of meat, 2 tons of wool, 18,500 sheepskins and 60 million soums to the defence fund.

References:

1. *Narodnoe hozyajstvo SSSR za 70 let. Yubilejnyj statisticheskij ezhegodnik*. (1987) [The national economy of the USSR for 70 years. Anniversary Statistical Yearbook]. Moscow: Finansy i statistika.

2. *Velikaya Otechestvennaya vojna. 1941-1945. Voenno-istoricheskie ocherki. Kniga pervaya. Surovye ispytaniya* (1998) [The Great Patriotic War. 1941-1945 Military-historical essays. Book one. Severe tests]. Moscow: Hauka.

3. Voznesenskij, N.A. (1948) *Voennaya ekonomika SSSR v period Otechestvennoj vojny* [The military economy of the USSR during the Patriotic War]. Moscow: Gospolitizdat.

4. O‘zbekiston Milliy arxivi (O‘zMA) [National archive of Uzbekistan. (NA of Uz)]. Fund – R-1916. List-1, Folding Volume-662.

5. Arutyunyan, Yu.V.(1963) *Sovetskoe krest'yanstvo v gody Velikoj Otechestvennoj vojny* [Soviet peasantry during the Great Patriotic War]. Moscow: Izdatel'stvo Akademii nauk.

6. Aniskov, V.T. (1993) *Zhertvennyj podvig derevni* [Sacrificial heroism of the village]. Novosibirsk: Novosibirskoe knijnoe izdatel'stvo.

7. Aminova, R.H. (ed.) (1966) *Uzbekistan v gody Velikoj Otechestvennoj vojny* (1941-1945). [Uzbekistan during the Great Patriotic War 1941-1945]. Tashkent: Fan.

8. Namangan viloyat davlat arxivi [State Archive of Namangan region]. Fund - 215. List-1, Folding Volume-25.

9. Po‘latov, I. (1974) *Buyuk g‘alabada O‘zbekiston hissasi* [Uzbekistan's contribution to the great victory]. Tashkent: O‘zbekiston.

10. NA of Uz. Fund – R.1619. List-10, Folding Volume-592.

11. Andijon viloyat davlat arxivi [State Archive of Andijan region. (ARSA)]. Fund - 608. List-1, Folding Volume-164.

12. ARSA. Fund - 608. List-1, Folding Volume-167.

13. ARSA. Fund - 127. List-1, Folding Volume-100.

14. Farg‘ona viloyat davlat arxivi [State Archive of Ferghana region. (FRSA)]. Fund - 8. List-1, Folding Volume -245.

15. FRSA. Fund - 8. List-1, Folding Volume -251.

16. Aminova, R.X. (1979) Kolhoznoe krest'yanstvo Uzbekistana v gody Velikoj Otechestvennoj vojny [Collective-farm peasantry of Uzbekistan during the Great Patriotic War]. Tashkent: Uzbekistan.

17. Abdullaev, R. (ed.) (2019) *O‘zbekiston tarixi (1917-1991 yillar)* [History of Uzbekistan (1917-1991)]. In: *O‘zbekiston 1939-1991 yillarda* [Uzbekistan in 1939-1991]. The second book. Tashkent: Uzbekistan.

18. Golovanov, A.A., Saidov, I.M.(2006) *Vklad Uzbekistana v pobedu nad fashizmom* [The contribution of Uzbekistan to the victory over fascism]. Part 2. – Samarkand: Izdatel'stvo SamGU.

19. *Istoriya narodnogo hozyajstva Uzbekistana.* (1963) [History of the national economy of Uzbekistan]. Vol. 2. Tashkent: Izdatel'stvo AN UzSSR.

20. Jo‘raev, M. (ed.) (2000) *O‘zbekistonning yangi tarixi* New history of Uzbekistan]. In: O‘zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida [Uzbekistan during the Soviet era]. The second book.Tashkent: Shark.

21. Alimov, R.X. (1968) Iz istorii druzhby ukrainskogo i uzbekskogo narodov. 1941-1945 [From the history of friendship between the Ukrainian and Uzbek peoples. 1941-1945]. In: Sbornik dokumentov i materialov [Collection of documents and materials]. Kiev: Naukova dumka.
22. NA of Uz. Fund – R.90. List-8, Folding Volume-5937.
23. Ahunbabaev, Yu. (1942) *Trudyashchiesya Uzbekistana – frontu* [Working people of Uzbekistan - to the front]. Moscow: Profizdat.
24. ARSA. Fund - 608. List-1, Folding Volume-278.
25. Pravda Vostoka (1943) August 31.

Муаллиф ҳақида маълумот:
АБДУРАСУЛОВ Расулбек Нурмахамматович – Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси. E-mail: rasulabdurasulov@mail.ru